ТИЛШУНОСЛИК ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА ФЕЪЛ СЎЗ ТУРКУМИ ТАҲЛИЛИ

МИРЗИЯТОВ ШУҲРАТ
PhD, ТДШИ

Аннотация. *Маҳмуд Замахшарий асарларидаги сўз туркумлари таҳлилига бағишланган мазкур мақолада олимнинг "Муқаддамату-л-адаб" асарининг сўнгги "Тасрифу-л-афъол" деб номланган қисмидаги феълларнинг тусланиши масаласи кўриб чиқилади. Унда феълнинг араб тилида муҳим аҳамият касб этувчи салмоқли сўз туркуми саналиши, унинг морфологик хусусиятларини билмай туриб, бошқа туркумларга хос кўпгина грамматик қоидаларни ўзлаштириш мумкин эмаслиги, бир қатор сўз туркумлари, хусусан, масдар, сифат даражалари айнан феъл ўзагидан ясалишига урғу берилади.*

"Муқаддамату-л-адаб" асарида араб тилида феълларнинг уч ўзакли ҳамда тўрт ўзакли феълларга бўлиниши, улардан аксарияти уч ўзакдан ташкил топиши айтилади. Тўрт ўзакли феъллар ҳам худди уч ўзакли феъллар каби ўша суффикслар ва префикслар ёрдамида тусланади. Ҳозирги замон шакли, буйруқ майли, масдар, сифатдошларини ясашда ҳам худди ўша уч ўзакли феълларда мавжуд қоидалар асос қилиб олинади.

Маҳмуд Замахшарий иккиланган феълларни уч ўзакли феъллар туркумидаги иккиланган, иккинчи ва учинчи ўзаклари бир хил ҳарфдан иборат бўлган феъллар дея таърифлар экан, ҳамзанинг соғлом ҳарф бўлиб, у иллатли ҳисобланмаслиги, унинг талаффузи қийинроқ бўлгани сабабли гоҳида уни бошқа ҳарфга ўзгартириш ёки тушириб қолдириш орқали талаффузда енгиллик яратилишини таъкидлайди. Зеро, ҳамзанинг ёзилиш масаласи, яъни орфографияси ҳамма даврларда қийин муаммо бўлган.

Замахшарий мазкур асарини араб бўлмаган халқларга араб тили ва грамматикасини тез ўргатиш мақсадида ёзганлиги учун ҳам наҳвнинг баъзи чигал масалаларида у қадар чуқурлашмаган. Олим ўз асарида аниқ нисбатдаги феълларга шахс-сон қўшимчалари қуйидагича қўшилади деб, тўғри феълларнинг ўтган замонда тусланиш намунасини берган ва барча тўғри ва тўғрига ўхшаш феъллар юқоридаги тартибда тусланади, деган.

Замахшарий феълнинг мажҳул нисбати ва уларга шахс-сон қўшимчаларининг қўшилишини тўғри феъллар, иккиланган феъллар, тўғрига ўхшаш феъллар, бўш феъллар, ноқис феъллар ва мана шу барча феъл турлари ҳосила бобларининг ҳам тусланиш намунасини берган. Фақат шунчаки тусланиш берилмасдан, балки истисноли ҳолатлар ҳам алоҳида қайд этилган. Араб тилидаги буйруқ майлининг изоҳига алоҳида боб ажратилган. Унда соф буйруқ майлининг ҳозирги келаси замон феълидан ясалиши ҳақида маълумот берилган. Мақолада тааажжуб феълининг фақатгина уч ўзакли феълларнинг биринчи бобидан ясалиши, уларнинг жисмоний камчиликни билдирувчи феъллардан ясалмаслиги таъкидланади. Иккиланган ва иллатли феъллардан тааажжубни ифодалаш усули шарҳланади.

Феълларнинг тусланиши қисмида масдарга бағишланган бобда ҳаракат номи, бўш феъллардан масдар ясалишига тўхталиб ўтилади, аниқ ва мажҳул даража сифатдошларига таъриф берилиб, уларнинг ясалишига доир қоидалар ва турли ҳолатларга оид мисоллар келтирилади, ҳосила боблар ва тўрт ўзакли феъллардан аниқ ва мажҳул даража сифатдошларининг ясалишига оид маълумотлар ҳам шу бобда келтирилади, орттирма ва қиёсий даража сифатлари ҳам изоҳланади.

Таянч сўз ва иборалар: *араб тили, феъл, бўш феъл, ноқис феъл, аниқ нисбат, мажҳул нисбат, масдар, Маҳмуд Замахшарий, "Муқаддамату-л-адаб", қолип, ўзак ҳарф.*

Аннотация. *В данной статье, посвященной анализу частей речи в трудах Махмуда Замахшари, рассматривается вопрос о спряжении глаголов в последней главе «Тасрифу-л-афъал» книги «Мукаддамату-л-адаб». В статье подчеркивается, что глагол является важной частью речи в арабском языке, что невозможно овладеть грамматическими правилами и категориями, не зная его морфологических особенностей, что некоторые части речи, особенно масдары, степени имен прилагательных образуются из глагольных корней.*

В книге «Муқаддамату-л-адаб» говорится, что глаголы в арабском языке делятся на глаголы с тремя и четырьмя корнями. а большинство – глаголы с тремя корнями. Глаголы с четырьмя корнями, как и глаголы с тремя корнями склоняются с помощью тех суффиксов и префиксов. При образовании форм настоящего времени, повелительного наклонения, масдаров, причастий применяются те же правила, что и для трехкоренных глаголов.

Махмуд Замахшари, определяя удвоенные глаголы как глаголы в группе трехкорневых, у которых вторые и третьи корни состоят из одной и той же буквы, подчеркивает, что хамза является «здоровой» буквой, а не дефектной, и из-за того, что она является звуком со сложным произношением, её либо меняют с другой буквой, либо иногда её пропускают при произношении и этим обеспечивают легкость произношения. Ведь вопрос написания хамзы, то есть правописание всегда было сложным вопросом языка.

Поскольку Замахшари создал свой труд для быстрого изучения арабского языка и грамматики неарабскими народами, он не стал глубоко входить в суть некоторых сложных вопросов арабского нахва. Ученый в своих трудах отмечая то, что личные окончания прибавляются к глаголам действительного залога, дает образцы спряжение правильных глаголов в прошедшем времени и говорит, что все правильные глаголы и глаголы, похожие на правильные глаголы, спрягаются в указанном выше порядке.

Замахшари в своем труде дал образец спряжения глаголов страдательного залога и примеры прибавления к таким глаголам личных окончаний, а также спряжения правильных глаголов и глаголов, похожих на правильные глаголы, пустых и дефектных глаголов. В работе ученого не только дано спряжение глаголов, но и даны исключения из правил, в ней также выделена отдельная глава, посвящённая толкованию формы повелительного наклонения в арабском языке. В труде содержится информация об образовании формы повелительного наклонения от глаголов настояще-будущего времени. В статье подчеркивается, что глаголы удивления образуются только из первой главы трехкорневых глаголов, что такие формы образуются не из глаголов, выражающих физическое несовершенство. Комментируются способы выражения удивления с помощью удвоенных и дефектных глаголов.

В части спряжения глаголов, посвященной изучению инфинитива (масдар), автор останавливается на именах действия, способах образования масдаров из пустых глаголов, дается определение действительным и страдательным причастиям, приводятся примеры их образования. В данной главе дана информация об образовании действительных и страдательных причастий из производных глав и четырехкорневых глаголов, дается толкование форм прилагательных превосходной и сравнительной степеней.

Опорные слова и выражения: *арабский язык, глагол, пустой глагол, дефектный глагол, активный залог, страдательный залог, масдар, Махмуд Замахшари, «Мукаддамату-л-адаб», форма, коренная буква.*

Abstract. *This article, devoted to the analysis of parts of speech in the works of Makhmud Zamakhshari, addresses the question of conjugation of verbs in the last chapter named "Tasrifu-l-af'al" of the book "Mukaddamatu-l-adab". The article emphasizes that the verb is an important part of speech in Arabic, that it is impossible to master the grammatical rules and categories without knowing its morphological features, that some parts of speech, especially masdars, the degrees of adjectives are formed from verbal roots.*

In "Mukaddamatu-l-Adab" was written that verbs in Arabic are divided into verbs with three and four roots and the majority are the verbs with three roots. Verbs with four roots, as well as verbs with three roots, lean with the help of those suffixes and prefixes. In the formation of the present tense forms, imperative forms, masdars, participles are also based on the same rules as for three-verbs.

Makhmud Zamakhshari, defining the doubled verbs as verbs in the three-root group, in which the second and third roots consist of the same letter, emphasizes that the hamza is a "healthy" letter, not defective, and because of its complex pronunciation it is either changed with another letter or sometimes it is missed when pronounced and this provides ease of pronunciation. The question of writing hamza and its spelling has always been a difficult question of the language.

Since Zamakhshari created his work for the quick study of Arabic and its grammar by non-Arab people, he did not go deeply into the essence of some difficult questions of Arabic language. The scientist notices that ings are added to the verbs of the actual voice gives samples conjugation of regular verbs in the past tense, and says that all regular verbs and verbs that are similar to regular verbs are conjugated in the above order.

In his work, Zamahshari gave a sample of the conjugations of the verbs of the passive voice and examples of adding personal endings to such verbs, as well as conjugations of regular verbs, and verbs similar to regular verbs, empty and defective verbs. The scholar's work not only gave conjugation of verbs, but also provided exceptions to the rules, it also highlighted a separate chapter in the interpretation of the imperative form in Arabic. The work contains information that the formation of an imperative form from verbs of the present-future tense. The article emphasizes that the verbs of surprise are formed only from the first chapter of the three-root verbs, that such forms are not formed from verbs expressing physical imperfection. Ways of expressing astonishment from doubled and defective verbs are commented.

Regarding the verb conjugation, which is devoted to the chapter on the study of infinitives (masdar), the author dwells on the names of actions, ways of forming masdars from empty verbs, gives definition to real and passive participles, gives examples of their formation. This chapter provides information on the formation of real and passive participles from the derived chapters and four-root verbs, an interpretation of the adjective forms of the excellent and comparative degrees.

Keywords and expressions: *Arabic, verb, empty verb, defective verb, active voice, passive voice, masdar, Makhmud Zamakhshari, "Mukaddamatu-l-adab", form, root letter.*

Маҳмуд Замахшарий "Муқаддамату-л-адаб" асарининг сўнгги "Тасрифу-л-афъол" деб номланган қисми феълларнинг туслaнишига бағишланган. Феъл араб тилида муҳим аҳамият касб этувчи сўз туркуми саналади. У бошқа сўз туркумлари ичида салмоқли ўрин эгаллайди. Араб тилидаги феълларнинг морфологик хусусиятларини билмай туриб, бошқа туркумларга хос кўпгина грамматик қоидаларни ўзлаштириш мумкин эмас. Бир қатор сўз туркумлари, хусусан, масдар, сифатдошлар, сифат даражалари айнан феъл ўзагидан ясалади. Ўзбек, рус ва бир қанча Европа тилларида мавжуд бўлган феълларнинг инфинитив шакли (ўзбек тилида – "-моқ", инглиз тилида – "to") араб тилида йўқ бўлганлиги сабабли, араб тилшунослари шартли равишда феълнинг бирлик, 3-шахс, музаккар шаклини инфинитив шакл сифатида қабул қилган.

Араб тилшунослари феълнинг асосий сифати деб الفعل ما دل على اقتران حدث بزما ن, яъни воқеаларнинг замон билан боғлиқлигини кўрсатадилар. Арабшунос Б. М. Гранденинг таъкидлашича, араб тилида феъл шахс-сонда ва замонда туслaниши билан исмдан ажралиб туради. Араб тилида феълларда ўтган ва ҳозирги-келаси замон; учта шахс (биринчи, иккинчи, учинчи); учта сон (бирлик, иккилик, кўплик); бешта майл (дарак, истак, буйруқ, шарт, кучайтирма); иккита даража (аниқ ва мажҳул) мавжуд[1].

Маҳмуд Замахшарий эса "Унмузаж фи-н-наҳв" асарида қуйидагилача таъкидлайди:

الفعل هو ما صح ان يدخله "قد" و حروف الاستقبال و الجوازم و اتصل به ضمير المرفوع و "تاء" التأنيث الساكنة نحو : قد ضرب و سيضرب و سوف يضرب و لم يضرب و ضربت ة ضربت

"Феъл – "قد" юкламасини, келаси замон "س – син" ва "سوف – савфа" юкламаларини оладиган, шарт майлида бўладиган, бош кели-

[1] Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освящении. – М.: Вост. лит., 1998. С.121.

шикдаги бирикма олмошларини ва муаннас жинснинг сукунли "ت" – та" сини қабул қиладиган сўздир, масалан: قد ضرب *– қад ḍараба,* سيضرب *– сайаḍрибу,* سوف يضرب *– савфа йаḍрибу,* لم يضرب *– лам йаḍриб,* ضربت *– ḍарабат,* ضربت *– ḍарабти"*[1].

"Муқаддамату-л-адаб" асарида эса: "Араб тилида феъллар уч ўзакли ҳамда тўрт ўзакли феълларга бўлинади. Араб тилида аксарият феъллар уч ўзакдан ташкил топади. Бундай феълларнинг бошланғич шаклини араб тадқиқотчилари فعل ثلاثى مجرد *– фи'лун сулаасийун мужаррадун* деб, тўрт ўзакдан ташкил топган тўрт ўзакли феълларнинг бошланғич шаклини فعل رباعى مجرد *– фи'лун рубаа'ийун мужаррадун* деб аташади" [2], дейди. Маҳмуд Замахшарий: "Билгинки, тилшунос олимлар ف *– фа,* ع *–'айн,* ل *– лам* ҳарфларини мезон қилиб олишган. Агар сўзнинг бирор ҳарфи فعل *– фа'ала* ҳарфларидан бирортасига тўғри келса, демак у асл ўзак ҳарфи бўлади. Агар тўғри келмаса, у ҳолда бу ҳарф ўзак ҳарф эмас. Масалан, ضرب *– ḍараба* феълининг барча ҳарфлари ўзак ҳарфлари саналади. Чунки ض ر ب ҳарфлари فعل *– фа'ала* даги ف ع ل ҳарфларига тўғри келади. دحرج *– даҳража* феъли ҳам шундай. Чунки бунинг вазни فعلل бўлиб, د ҳарфи ف нинг, ح ҳарфи ع нинг, ر ҳарфи биринчи ل нинг, ج ҳарфиИ икинчи ل нинг ўрнидадир", деб ёзади[3].

Тўрт ўзакли феъллар ҳам худди уч ўзакли феъллар каби ўша суффикслар ва префикслар ёрдамида тусланади. Ҳозирги замон шакли, буйруқ майли, масдар, сифатдошларини ясашда ҳам уч ўзакли феълларда мавжуд қоидалар асос қилиб олинади.

Одатда, араб тилидаги мавжуд феъллар икки катта гуруҳга бўлиб ўрганилади. Улар:

1. Тўғри феъллар – الأفعال الصحيحة *– ал-аф'аал аṣ-ṣоҳийҳату.*

2. Нотўғри феъллар – الأفعال المعتلة *– ал-аф'аал ал-муъталлату*[4].

Тўғри феъллар деб, таркибида иллатли ҳарфлар (ا, و, ى) бўлмаган, кўп ҳолларда ҳар уч ўзак ундоши турли хил ҳарфлардан ташкил топган феълларга айтилади. Уларнинг "мустаҳкам", "қаттиқ" дейилишининг боиси шундаки, бу ўзак ундошлар ўзгармайди, тушиб қолмайди ва бошқаси билан алмаштирилмайди[5].

Маҳмуд Замахшарий нотўғри феълларни қуйидагича гуруҳлайди:

1. Иккиланган феъллар;

2. Иллатли феъллар;

3. Ҳамзали феъллар.

Ҳозирги замон тилшунослари ҳам нотўғри феълларни худди шундай таснифлайдилар [6]. Маҳмуд Замахшарий иккиланган феълларни қуйидагича таърифлайди: "Уч ўзакли феъллар туркумидаги иккиланган феъллар иккинчи ва учинчи ўзаклари бир хил ҳарфдан иборат бўлган феъллардир. Икки бир хил ҳарфнинг биринчиси ассимиляцияга учрайди, икки бир хил ҳарфнинг биринчиси شد ،مد *– шадда, мадда* каби сукунланади, буларнинг асли شدد ،مدد *шадада, мадада* бўлган. Бунда биринчи *дол* сукунланиб, иккинчи د "дол"нинг ичига кирги-

[1] Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: ТДШИ, 2005. Б.122.

[2] Иброҳимов Н, Юсупов М. Араб тили грааматикаси.1-жилд. – Т.: Ўзбекистон милий энциклопедияси, 1997. Б.79.

[3] Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» ЎР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429-В. 361а.

[4] Гранде Б.М. уларни فعل سالم ва فعل غير سالم тарзида беради.

[5] Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освящении. – М.: Вост. лит., 1998. С.121.

[6] Юшманов Н. Грамматика литературного арабского языка. – М.: Наука, 1985; Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освящении. – М.: Вост. лит., 1998; Яковенько Э.В. Неправильные глаголы арабского языка. – М.: Вост.лит. 2000; انطوان الدحدح . معجم قواعد العربية العالمبة . لبنان . 1992.

зилган. Бундай феълларда ўрта ўзак доим сукунли бўлади. Агар сукунланмаса, у ҳолда икки ундош ўртаси очилади. Масалан, ردید، شدید – *шадийдун, радийдун* сўзлари каби. Тўрт ўзакли феъллардан иккиланганлари эса, биринчи ва учинчи ўзаклари бир хил ундошдан иборат бўлади. Масалан: صلصل – *ṣалṣала* бу فعلل *фаълала* вазнига тўғри келади[1].

Агар тўрт ўзакли иккиланган феълга берилган таърифни аниқлаштирадиган бўлсак, "*фа"* 1-ўзак, 1-"*лом"*, яъни охиридан битта олдинги ҳарф ва 2-"*айн"* бу ҳам охиридан битта олдинги ҳарф билан ифодаланганлигини билдиради. Бундай ўзакли феъл ёки исмларни Б. М. Гранде "*редупликацияланган ўзаклар"* деб атайди[2].

Маҳмуд Замахшарий кейинги фаслда иллатли феълларни тушунтиради: "Иллатли феъллар ўзак ҳарфларидан бирортаси *мад* (чўзиқ) ва *лин* (юмшоқ) ҳарфларидан иборат бўлган феъллардир. ا *алиф "мад"* ва ي *йа "лин"* ҳарфлари саналади. Масалан: وعد، قال، رمى *рама, қо:ла, ваъада* феъллари.

فعل вазнининг ع *айн* ва ل *лом* ўзакларига тўғри келган ҳар қандай ا ҳарфининг асли ى *йо* ёки و *вов* ҳарфларидан бири бўлади. Масалан, قال даги ا *алиф*нинг асли و *вов* ҳисобланади. Чунки унинг масдари قول – *қавала* бўлиб, келаси замони يقول – *йақуулу* шаклида бўлади. باع – *бааъа* даги ا *алиф*нинг асли ي *йо*, чунки унинг масдари بيع – *байъун* бўлиб, келаси замони يبيع – *йабийъу* шаклида келади. Шу сингари қуйидаги هاب – هيبة, رمي– رمى, خاف– خوف,دعا – دعوة *ҳааба – ҳайбатун, рамаа – рамйун, хаафа – хавфун, даъаа – даъватун* феъллар ҳам юқоридаги қонуниятга бўйсунади"[3].

Ўрта асрларнинг машҳур тилшунос олими Муҳаммад Муъиззий "تصريف الأفعال" *"Таṣриф-ул-афъаал"* номли махсус асарини араб тилидаги феъллар таснифига бағишлаган. Асар жуда машҳур бўлиб, халқ орасида "*Тасрифу Муъиззий"*, "*Муъиззий фи-т-тасриф"*, "*Муъиззий"* номлари билан аталади. Асарда нотўғри феълларнинг классификациясида ҳамзали феъллардан ташқари барча феъл турлари худди Замахшарий таснифи каби баён қилинган[4].

Араб тилидаги ҳамзали феълларни Маҳмуд Замахшарий қуйидагича баён қилган: "Ҳамза соғлом ҳарф бўлиб, у иллатли ҳисобланмайди. Бироқ унинг талаффузи қийинроқ бўлгани сабабли гоҳида уни бошқа ҳарфга ўзгартириш ёки тушириб қолдириш орқали талаффузда енгиллик яратилади: ذئب з̲и'бун сўзини ذيب з̲ӣбун деб, لؤم *ла'мун* сўзини لوم *лӯмун* деб, رأس *ра'сун* сўзини راس *рас̄ун* деб ўзгартириш, يسأل *йас'алу* сўзидаги ҳамзанинг туширилиб, يسل *йасалу* шаклида келиши, اسأل *ас'ала* сўзини سال *сал̄а* деб талаффуз қилишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Сўзда иккита ҳамза келиб, биринчиси фатҳали, иккинчиси сукунли бўлганида иккинчиси ا *алиф*га ўзгаради. Масалан, آدم – أادم *'адама – ад̄ама.* Агар биринчи ҳамза касралик бўлса, иккинчиси ي *йойга* ўзгаради, масалан, *'исара – ӣсара* – ايسر أاسر. Агар биринчи ҳамза даммалик бўлса, иккинчиси و *вов*га ўзгаради. Масалан, – أؤسر أوثر *авс̄ара – т'ӯсара.*

Феълларнинг كل – *кул*, خذ – *хуз̲*, مر – *мур* каби буйруқ майлидаги шаклига келсак,

[1] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 362а.

[2] Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освящении. – М.: Вост. лит., 1998. С.125.

[3] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 362б.

[4] Қаранг: Муҳаммад Муъиззий. Ал-Муъиззий фи-т-тасриф. ТошДШИ ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалар маркази фонди. Қўлёзма № 12018; 10455; 10461.

бундай ҳолат кам учрайди. Юқоридагиларга қиёсласак, булар қуйидагича бўлади.

أكل – *‘акала,* يأكل – *йа’кулу,* أوكل – *‘увкул*

أخذ – *‘ахаза*, يأخذ – *йа’хузу,* أوخ – *‘увхуз*

أمر – *‘амара*, يأمر – *йа’муру,* أومر – *‘увмур*[1]

Замахшарий ҳамзали феълларга тўхталар экан, ўз эътиборини, асосан, уларнинг фонетик ўзгаришларига қаратади. Зеро, ҳамзанинг ёзилиш масаласи, яъни орфографияси ҳамма даврларда қийин муаммо бўлган. Ҳамзали феълларнинг нотўғрилиги ҳам шундаки, ёзувда у турлича ёзилади ва турли таянч ҳарфларга эга бўлади. Унинг ўтган замонда тусланишига қараб, тўғри феъллар қаторига киритиш мумкин, аммо унинг бошқа замонларда тусланиши, сифатдош, масдарларидаги ўзгаришлар уни нотўғри феълларнинг тўғриланган таркибига киришидан далолат беради. Доктор Имод Ҳотамнинг “اللغة العربية: قواعد و نصوص” – *Луғату-л-‘арабиййату: қаваа‘ид ва нуҫуҫ* китобида ҳамзали феълларнинг турлари, уларда бўладиган фонетик ва орфографик ўзгаришлар батафсил баён қилинган[2].

Маҳмуд Замахшарий мазкур асарини араб бўлмаган халқларга араб тили ва грамматикасини тез ўргатиш мақсадида ёзганлиги учун ҳам наҳвнинг баъзи чигал масалаларида у қадар чуқурлашмаган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг кейинги фасли феъл замонлари ва турларига бағишланган бўлиб, шундай баён қилинган: “Феъллар беш хил бўлади: ўтган замон, ҳозирги келаси замон, буйруқ майлидаги феъллар, таажжуб феъллари ҳамда мақтов ва таҳқирлаш феъллари”[3].

Маълумки, ҳар бир феъл шаклида мужассамланган замон ундан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг нутқ лаҳзасига муносабатини кўрсатади. Агар Европа тилларида ҳаракат ёки ҳолат замон нуқтаи назаридан учга, яъни ўтган, ҳозирги ва келаси замонларга бўлинса, сомий тилларида феъллар тугалланган ёки тугалланмаганлиги нуқтаи назаридан иккига бўлинади:

1. Ўтган замон *маḍā* – ماضى

2. Ҳозирги-келаси замон [4] *муḍāри‘* – مضارع

Бироқ Замахшарий ўтган замон феълига қуйидагича таъриф берган: “Ўтган замон феъли иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганлигига ишора қилади. Масалан, ضرب – *ḍараба* “урди”, قتل – *қатала* “ўлдирди”[5].

Ҳар бир замон шакли аниқ ва мажҳул нисбатларга эга[6]. Маълумки, иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси орасидаги муносабатнинг ифодаланиши “феъл нисбати” дейилади.

Замахшарий мавзуни қуйидагича давом эттиради: “Ўтган замон феъли икки хил нисбатда бўлади: аниқ нисбат ва мажҳул нисбат. Аниқ нисбатдаги феълнинг биринчи ундоши фатҳалик бўлади. Масалан, فعل – *фа‘ала* أفعل –*афъала,* فعل – *фаъула,* فاعل – *фā‘ала,* تفعل – *тафа‘ала*.

Феълнинг биринчи ҳарфи фатҳа билан ҳаракатланган бўлса, у аниқ нисбатда бўлади. Масалан, التمس – *илтамаса* феълида ت “т” ҳарфи, انفعل *инфа‘ала* вазнида ن “*нун”* ҳарфи. استفعل – *истаф‘ала,* افعل – *иф‘алла,* افعلل – *иф‘аллала,* افعوعل – *иф‘ав‘ала* вазнлари бошида турган алифларга эътибор берилмайди. Чунки улар асл ўзак ҳарфлари эмас.

Мажҳул нисбатнинг биринчи ўзаги даммали бўлади. Масалан, فعل – *фу‘ила,* أفعل – *аф‘алу,* فعل – *фу‘ила,* فوعل – *фӯила,* تفعل – *туфу‘‘ила,* تفوعل – *туфӯила,* فعلل – *фу‘лила,* تفعلل – *туфу‘лила.*

[1] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 363а.

[2] Қаранг: 1980 .اللغة العربية: قواعد و نصوص. طربلوس

[3] Ўша манба. – В.363 б.

[4] Юшманов Н. Грамматика литературного арабского языка. – М.: Наука, 1985. С.50.

[5] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 363 б.

[6] Юшманов Н. Грамматика арабского языка. – М.: Наука, 1985. С.50.

Шунингдек, افتعل – *уфту‘ила,* انفعل – *унфу‘ила,* أفعل – *‘уф‘ила,* أستفعل – *‘устуф‘ила,* أفعوعل – *‘уф‘увила* вазнидаги феъллар ҳам мажҳул нисбатда бўлади”[1].

Мажҳул даражадаги феъллар барча замонларда тусланади. Шунингдек, улар аниқ даражадаги феъллар каби шахс-сон ва жинс қўшимчаларини олади[2].

Асарда Замахшарий аниқ нисбатдаги феълларга шахс-сон қўшимчалари қуйидагича қўшилади деб, тўғри феълларнинг ўтган замонда тусланиш намунасини берган, барча тўғри ва тўғрига ўхшаш феъллар юқоридаги тартибда тусланади, деб айтади. Кейин навбати билан ўрта ўзак ҳаракати турлича бўлган иккиланган феъллар, бўш феъллар ва уларнинг ҳосила боблари, ноқис феълларнинг тусланиш намунасини берган. Жумладан, аниқ нисбатдаги феълларга шахс-сон қўшимчалари қуйидагича қўшилади:

ضرب – *дараба,* ضربا – *дарабā,* ضربوا – *дарабӯ,* ضربت – *дарабат,* ضربتا – *дарабатā,* ضربن – *дарабна,* ضربت – *дарабта,* ضربتما - *дарабтумā,* ضربتم – *дарабтум,* ضربت – *дарабти,* ضربتما – *дарабтумā,* ضربتن – *дарабтунна,* ضربت – *дарабту,* ضربنا – *дарабнā.*

Барча тўғри ва тўғрига ўхшаш феъллар юқоридаги тартибда тусланади.

Иккиланган феъллар: فر – *фарра,* فرا – *фаррā,* فروا – *фаррӯ,* فرت – *фаррат,* فرتا – *фарратā,* فررن – *фаррарна,* فررت – *фаррарта,* فررتما – *фаррартумā,* فررتم – *фаррортум,* فررت – *фаррарти,* فررتما – *фаррартумā,* فررتن – *фаррартунна,* فررت – *фаррарту,* فررنا – *фарраrnā.*

Ўрта ўзаги фатҳа бўлган барча иккиланган феъллар ҳам шу тарзда тусланади, масалан, أحب – *‘аҳаббу* феъли, унинг асли أحبب – *аҳаббу*. Шунингдек, حاج – *ҳāжжа,* احتج – *иҳтажжа,* انقض – *инқаддa,* تضام – *таддāмма,* استطب – *истаṭабба,* احمر – *иҳмарра*, احمار – *иҳмārра,* اقشعر – *иқша‘арра* феъллари ҳам шундай тусланади. Ўрта ўзак ундоши касра бўлган феъллар эса, касра билан ўқилади, масалан, ظل – *ẓалла* феъли, унинг асли ظلل – *ẓалилун* бўлиб, у қуйидагича тусланади: ظل – *ẓалла,* ظلا – *ẓаллā,* ظلوا – *ẓаллӯ,* ظلت – *ẓаллат,* ظلتا – *ẓаллатā,* ظللن – *ẓалилна,* ظللت – *ẓалилта,* ظللتما – *ẓалилтумā,* ظللتم – *ẓалилтум,* ظللت – *ẓалилти,* ظللتما – *ẓалилтумā,* ظللتن – *ẓалилтунна,* ظللت – *ẓалилту,* ظللن – *ẓалилнā.* Бироқ бундай феъллар فعل – фа‘ала ва تفعل – тафа‘ала бобларида келганида, тўғри феъллар каби тусланади[3].

Демак, иккиланган феъллар шахс-сонда тусланганда қуйидаги ўзгаришлар содир бўлади:

1. Феъл шахс-сонда тусланганда, учинчи ўзак ундош унли ҳарф билан тугаса ва у очиқ бўғин бўлса, ҳарфлар ассимиляцияси содир бўлади, яъни иккита бир хил ундош бир ташдидланган ҳарф тарзида ёзилади;

2. Феъл шахс-сонда тусланганда, учинчи ўзак ундош сукунли ва ёпиқ бўғин бўлса, у ҳолда иккита бир хил ундош ажратиб ёзилади.

Бу ўзгаришлар иккиланган феъллар мажҳул нисбатда тусланганида ҳам содир бўлади.

Замахшарий бўш феъллар мавзусини шундай тушунтиради: “Бўш феъллар: باع – *бā‘а,* باعا – *бā‘ā,* باعوا – *бā‘ӯ,* باعت – *бā‘ат,* باعتا – *бā‘атā,* بعن – *би‘на,* بعت – *би‘та,* بعتما – *би‘тумā,* بعتم – *би‘тум,* بعت – *би‘ти,* بعتما – *би‘тумā,* بعتن – *би‘тунна,* بعت – *би‘ту,* بعنا – *би‘нā.*

Ўрта ўзак ундоши иллатли барча феъллар шу тарзда тусланади. Бироқ уч ўзакли феълларда ўрта ўзакка қаралади. Агар ўрта ўзак *ي йо* дан иборат бўлса, *ي йо* тушиб қолга-

[1] Юшманов Н. Грамматика арабского языка. – М.: Наука, 1985. С.50..

[2] Талабов Э. Араб тили дарслиги. – Т.: Ўзбекистон, 1993. Б. 172.

[3] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В.363 б.

нида, ундан олдинги ҳарфнинг ҳаракати касра бўлади. Масалан, باع – *бā‘а* – يبيع – *йабī‘у* – بيع – *бай‘ун*. Агар феъл فعل – *фа‘ала* – يفعل – *йаф‘алу* ёки فعل – *фа‘лун* вазнида келса, ўрта ўзаги و вовдан олдинги ҳарфнинг ҳаракати дамма бўлади. Масалан, قال – *қāла,* يقول – *йақӯлу,* قلت – *қултту*. Агар نام – *нāма*, ينام – *йанāму* ёки خاف – *хāфа,* يخاف – *йахāфу* каби феъллар бўлса, касра қилинади. Масалан, نام– *нāма,* ينام – *йанāму,* نمت – *нимту.* Юқорида келган бўш феъллар فعل – *ф‘ала*, فاعل – *фā‘ала,* تفاعل – *тафā‘ала,* يتفعل – *йатафа‘‘илу* бобларида келганида худди тўғри феъллар каби тусланади[1].

Бу фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, агар бўш феъллар-нинг иккинчи ўзак ундоши аслида “ى” бўлса, ўтган замонда тусланганида, у касраланади. Агар у аслида “و” бўлса, у ҳолда даммаланади. Бўш феълларда содир бўладиган товуш ўзгаришларини академик Н. Иброҳимов шундай тушунтиради: агар иккинчи ўзак ундош бўлган “*вов*” ёки “*йой”* ҳарфи “*-ава”*, “*-ави”*, “*-ову*”, “*-айа*”, “*-айи*”, “*-айу*” товуш бирикмалари таркибида келса, учинчи ўзак ундоши ёпиқ бўғин бўлса, юқоридаги товуш бирикмалари чўзиқ “*а*”га айланади ва алиф билан ёзилади. Ажваф (бўш) феълларнинг мажҳул нисбатдаги “*-уви*”, “*-уйи*” товуш бирикмалари чўзиқ “*и*”га айланади[2].

Маҳмуд Замахшарий ноқис (етишмовчи) феъллар ҳақида ыуйидаги ыарашларини билдиради: “Ноқис феъллар: رمى – *рамā,* رميا – *рамайā,* رموا – *рамӯ,* رمت – *рамат,* رمتا – *рематā,* رمين – *рамайна,* رميت – *рамайта,* رميتما – *рамайтумā,* رميتم – *рамайтум,* رميت – *рамайти,* رميتما – *рамайтумā,* رميتن – *рамайтунна.* Учинчи ўзак ҳарфи *йа* (ي) билан ифодаланган барча ноқис феъллар шундай тусланади. Шунингдек, أرضى – *арадā,* ربى – *раббā,* ارعوى – *ир‘авā,* انقضى – *инқаддa,* اجتبى – *ижтабā,* جابى – *жābā,* استغنى – *истағнā,* تابى – *тābā* каби феъллар ҳам шундай тусланади.

Учинчи ўзаги *вов* (و) ҳарфи билан ифодаланган феъллар эса қуйидагича тусланади: دعا – *да‘ā,* دعوا – *да‘авā,* دعوا – *да‘ӯ,* دعت– *да‘ат,* دعتا – *да‘атā,* دعون – *да‘авна,* دعوت – *да‘авта,* دعوتما – *да‘автумā,* دعوتم – *да‘автум,* دعوت – *да‘авти,* دعوتما – *да‘автумā,* دعوتن – *да‘автунна,* دعوت – *да‘авту,* دعونا – *да‘авна.* Агар феъл فعل – фа‘ила вазнида бўлса, қуйидагича тусланади: رضي – *радия,* رضيا – *радийā,* رضوا – *радӯ,* رضيت – *радийат,* رضيتا – *радийатā,* رضين – *радийна,* رضيت – *радийта,* رضيتما – *радийтумā,* رضيتم – *радийтум,* رضيت– *радийти,* رضيتما – *радийтумā,* رضيتن – *радийтунна,* رضيت – *радийту,* رضينا – *радийнā*. Шундай қилиб, رضي – *радия* ва سرو қолипидаги феъллар 3-шахс кўпликда رضوا، سروا шаклида, رمى – *рамā,* دعى – *да‘ā* қолипидаги феъллар эса رموا – *рамӯ,* دعوا – *да‘ӯ* шаклида бўлади[3].

Кўриб турганимиздек, “فعل – *фаъала*” вазнига тушувчи феъллар ўтган замонда тусланганида, 3-шахс бирлик, иккилик муаннас жинс, 3-шахс кўплик, музаккар жинсда учинчи ўзак ҳарфи *йа* бўлса, *алиф мақсура* билан, *вов* бўлса, *алиф* билан ёзилади[4]. Иллатли ҳарфнинг тушиб қолиши “فعل *фаъала*” вазнидаги феълларда кузатилмайди. 3-шахс, музаккар жинс, кўплик шакли бундан мустасно.

[1] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-364 б.

[2] Иброҳимов Н, Юсупов М. Араб тили грааматикаси.1-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. Б. 88.

[3] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 364б-365а.

[4] Ўша манба. – Б. 89.

Ноқис феъллар мажҳул нисбатда туслан-ганида, фақатгина 3-шахс кўплик музаккар жинсда иллатли ҳарф тушиб қолади, қолган шаклларда ўзгариш бўлмайди.

Феълнинг мажҳул нисбати. Феълнинг мажҳул нисбати ва уларга шахс-сон қўшим-чаларининг қўшилиши қуйидаги мисолда келтириб ўтилади: ضرب – *ḍуриба,* ضربا – *ḍурибā,* ضربوا – *ḍурибӯ,* ضربت – *ḍурибат,* ضربتا – *ḍурибатā,* ضربن – *ḍурибна,* ضربت – *ḍурибта,* ضربتما – *ḍурибтумā,* ضربتم – *ḍурибтум,* ضربت – *ḍурибти,* ضربتما – *ḍурибтумā,* ضربتن – *ḍурибтунна,* ضربت – *ḍурибту,* ضربنا – *ḍурибнā.*

Бошқа бобларга мансуб أكرم – *ʻакрама,* أدب – *аддаба,* حوسب – *ҳавсаба,* انتخب – *интахаба,* تفقد – *тафаққада,* تذوكر – *тазвакиру,* استكتب – *истактаба* феъллари ҳам юқоридагидек тусланади.

Иккиланган феълларнинг мажҳул нисбати: شد – *шудда,* شدا – *шуддā,* شدوا – *шуддӯ,* شدت – *шуддат,* شدتا – *шуддатā,* شددن – *шудидна,* شددت – *шудидта,* شددتما – *шудидтумā,* شددتم – *шудидтум,* شددت – *шудидти,* شددتما – *шудидтумā,* شددتن – *шудидтунна,* شددت – *шудидту,* شددنا – *шудиднā.*

Қуйидаги أحب – *ʻаҳабба,* إختص – *ʻихтаṣṣа,* إنصب – *ʻинṣабба,* إستحب – *ʻистаҳаба* феъллар ҳам юқорида кўрсатилганидек тусланади. Бироқ تربب – *тараббаба,* تهدد – *таҳаддада* шаклидаги феъллар тўғри феъллар сингари тусланади.

Тўғрига ўхшаш феълларнинг мажҳул нисбати қуйидагича: وعد – *ву‘ида,* وعدا – *ву‘идā,* وعدوا – *ву‘идӯ,* وعدت – *ву‘идат,* وعدتا – *ву‘идатā,* وعدن – *ву‘идна,* وعدت – *ву‘идта,* وعدتما – *ву‘идтумā,* وعدتم – *ву‘идтум,* وعدت – *ву‘идти,* وعدتما – *ву‘идтумā,* وعدتن – *ву‘идтунна,* وعدت – *ву‘идту,* وعدنا – *ву‘иднā.*

Бундай феъллар أفعل – *ʻаф‘ала* бобида келганида, мажҳул нисбати أوعد – *ʻув‘ида,* أوقط – *ʻувқиṭа* тарзида бўлади. Булар аслида أيقط – *ʻайқаṭа* бўлган бўлиб, ي *йа* ҳарфи و *вов*га ўзгарган. Даммадан сўнг ي *йа* ҳарфи و *вов* га ўзгаради. Қолган бобларда. وقر – *вуқира,* وعد – *ву‘ида,* تيقن – *туйуққина,* توزع – *тувуззи‘а,* أستوقن – *ʻустувқина,* أستوهب – *ʻустувҳиба* тарзида тусланаверади.

Бўш феълларнинг мажҳул нисбати шаклига мисол: غيب – *ғӣба,* غيبا – *ғӣбā,* غيبوا – *ғӣбӯ,* غيبت – *ғӣбат,* غيبتا – *ғӣбатā,* غبن – *ғибна,* غبت – *ғибта,* غبتما – *ғибтумā,* غبتم – *ғибтум,* غبت – *ғибти,* غبتما – *ғибтумā,* غبتن – *ғибтунна,* غبت – *ғибту,* غبنا – *ғибнā.*

Ноқис феълларнинг мажҳул нисбатӣ رمى – *румийа,* رميا – *румийā,* رموا – *румӯ,* رميت – *румийат,* رميتا – *румийатā,* رمين – *румийна,* رميت – *румийта,* رميتما – *румийтумā,* رميتم – *румийтум,* رميت – *румийти,* رميتما – *румийтумā,* رميتن – *румийтунна,* رميت – *румийту,* رمينا – *румийнā.*

Шундай қилиб, уч ўзакли ноқис феъллар ва уларга тегишли ҳосила бобларининг маж-ҳул нисбати юқоридаги сингари тусланади.

أرضي – *ʻарḍā,* ربى – *раббā,* جوفى – *жавфā,* أجتبى – *ʻажтабā,* أنثنى – *ʻинṣанā,* تلقى – *талаққā,* تقوضي – *тақаввадā,* أستهدى – *ʻистаҳдā* каби феъллар ҳам шу тарзда тусланади[1].

Кўриниб турибдики, Замахшарий феъл-нинг мажҳул нисбати ва уларга шахс-сон қўшимчаларининг қўшилишини тўғри феъл-лар, иккиланган феъллар, тўғрига ўхшаш феъллар, бўш феъллар, ноқис феъллар ва ҳосила бобларининг ҳам тусланиш намуна-сини берган. Фақат шунчаки тусланиш берилмасдан, балки истисноли ҳолатлар ҳам алоҳида қайд этилган. Масалан, иккиланган феъллар тусланишида تربب – тараббаба, تهدد – *таҳаддада* шаклидаги феъллар мажҳул

[1] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 365б-366а.

нисбатда тўғри феъллар сингари тусланиши; أيقظ – *‘айқаṭа* мажҳул нисбатда أوقظ – *‘увқиṭа* бўлиши, чунки даммадан сўнг ي *йа* ҳарфи و *вов* га ўзгариши каби масалалар тушунтирилган.

Маҳмуд Замахшарий ҳозирги-келаси замон феълларини шундай таърифлайди:

هو ما اعتقب فى صدره احدى الزوائد الأربعة نحو: يفعل, تفعل ,أفعل, نفعل. و يشترك فيه الحاضر و المشتقبل الا اذا دخله "اللام" و "سوف". و يعرف بالرفع و النصب و الجزم

Ҳозирги-келаси замон феъллари келаси замон кўрсаткичи бўлмиш тўрт олд қўшимчадан бирини олган бўлади: يفعل – *йаф‘алу,* تفعل – *таф‘алу,* أفعل – *‘аф‘алу,* نفعل – *наф‘алу.* Бундай феълларда ҳозирги ва келаси замон бир бўлади, агар у “اللام – *ал-лāм*” ва “سوف – *савфа*”ни қабул қилмаган бўлса. Ҳозирги-келаси замон феъли رفع – *раф‘*, نصب – *наṣб* ва جزم – *жазм* ҳолатида бўлади”[1].

“Муқаддамату-л-адаб”да эса: “Ҳозирги-келаси замон феъли олдига ي (й) ва ت (т), ء ҳамза,ن (н) ҳарфлари қўшилган ҳолда ясалади. Масалан: يفعل – *йаф‘алу,* تفعل – *таф‘алу,* أفعل – *‘аф‘алу,* نفعل – *наф‘алу.* Бу феъллар ҳозир ёки келажакни билдирса, يفعل الآن – *йаф‘алу ал-āн* дейсиз ва у ҳозирги замон деб аталади, يفعل غدا – *йаф‘алу ғадан* бўлса, у келаси замондир. Агар феълга “*син’’* ёки “*савфа*” қўшилса, سيفعل – *сайаф‘алу* ва سوف يفعل – *савфа йаф‘алу* дейсиз. У келаси замонга тааллуқлидир. У уч ҳолатда: هو يضرب – *ҳува йаḍрибу* (даммали) ҳолатда, أن يضرب – *‘ан йаḍриба* (фатҳали) ёки لم يضرب – *лам йаḍриб* каби сукунли бўлади” [2], деб ёзган.

Маҳмуд Замахшарийнинг бундай оригинал фикрлари XIII аср тилшуноси Ҳамидуддин Даририйнинг ишларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, у шундай ёзади: “Ҳозирги-келаси замон феъли, у истак ёки шарт майли шаклини талаб қилувчи юкламалар билан келмаса, дарак майлида бўлади, келса, истак ёки шарт майли шаклларида бўлади. Масалан, “يضرب – *йаḍрибу’’* шакли ҳозирги-келаси замон феъли бўлганлиги учун аниқ майлда қўлланган. Буйруқ майли ва унинг бўлишсиз шакли доим сукунли бўлади: “اضرب – *иḍриб*,لا تضرب – *лā таḍриб’’*. Буйруқ майлида “اضرب – *иḍриб*”, буйруқ майлининг бўлишсиз шаклида “لا تضرب – *лā таḍриб*” бўлгани учун уларнинг охирини сукунланади. Ҳозирги-келаси замон феълининг шарт майлида келишини талаб қилувчи юкламалар қуйидагилардир: لم – *лам*, لما – *ламма,* أو – *‘ав* ва буйруқ майлининг бўлишсиз шаклини ҳосил қилувчи لا – *ла*. Бу юкламалар ҳозирги-келаси замон феълини сукун ҳолатда бошқаради. Қуйидаги أن – *‘ан,* ل – *ли,* كيلا – *кайла,* لكلى – *лакала,* لن – *лан,* اذن – *изан*, حتى – *хатта* юкламалари эса истак майли шаклида қўлланади[3].

Замахшарий ҳозирги-келаси замон феълининг мажҳул нисбати ва уларга шахс-сон қўшимчаларининг қўшилиши қўйидагича беради: “يضرب – *йуḍрабу,* يضربان – *йуḍрабāни*, يضربون – *йуḍрабӯна*, تضرب – *туḍрабу,* تضربان – *туḍрабāни*, يضربن – *йуḍрабна,* تضرب – *туḍрабу,* تضربان – *туḍрабāни*, تضربون – *туḍрабӯна*, تضربين – *туḍрабӣна,* تضربان – *туḍрабāни*, تضربن – *туḍрабна,* أضرب – *‘уḍрабу*, نضرب – *нуḍрабу.*

Шунингдек, يكرم – *йукриму,* يجرب – *йажрабу,* يجارب – *йужāрибу,* يتطلب – *йатаṭаллабу,* يتناهب – *йатаҳāнибу* феъллари ҳам юқоридаги сингари тусланади.

تطلب – *таṭлубу* ва تتناهب – *татанāҳабу* шаклларида иккинчи ت ни тушириб қолди-

[1] Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: ТДШИ, 2005. Б. 123.

[2] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 366а-б.

[3] Қосимова С. Ҳамидуддин Даририйнинг «Муқаддима» асари: матн ва тадқиқ. – Т.: ТДШИ, 2014. Б. 87-89.

риш мумкин эмас. Чунки, бу шаклдаги феъллар аниқ нисбатда келганида ت лардан бири тушиб қолиши мумкин. Лекин мажҳул нисбатда бу ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас”[1].

Замахшарий тартиб билан қолган феъл турларини баён қилади: “Тўғрига ўхшаш феълларнинг ҳозирги-келаси замон мажҳул нисбати يوعد – *йӯ‘аду,* يوعدان – *йӯ‘адāни,* يوعدون – *йӯ‘адӯна,* توعد – *тӯ‘аду* توعدان – *тӯ‘адāни,* يوعدن – *йӯ‘адна,* توعد – *тӯ‘аду,* توعدان – *тӯ‘адāни,* توعدون – *тӯ‘адӯна,* توعدين – *тӯ‘адӣна,* توعدان – *тӯ‘адāни,* توعدن – *тӯ‘адна,* أوعد – ‘*ӯ‘аду,* نوعد – *нӯ‘аду* каби тусланади.

Бўш феълларнинг мажҳул нисбати эса يعاب – *йу‘āбу,* يعابان – *йу‘ābāни,* يعابون – *йу‘ābӯна,* تعاب – *ту‘āбу,* تعابان – *ту‘ābāни,* يعبن – *йу‘абна,* تعاب – *ту‘āбу,* تعابان – *ту‘ābāни,* تعابون – *ту‘ābӯна,* تعابين – *ту‘āб ӣ на,* تعابان – *ту‘ābāни,* تعبن – *ту‘абна,* أعاب – ‘*у‘āбу,* نعاب – *ну‘āбу* каби кўринишларда тусланади.

يجاب – *йужāбу,* يختار – *йухтāру,* يستجاب – *йустажāбу* феъллари ҳам юқоридагидек тусланади. Бу феъллар шарт майлида ينام – *йанāму,* يختار – *йахтāру* феъллари каби, يتوح – *йатӯҳу,* يجاود – *йужāвиду,* يتعود – *йата‘ӯду,* يتداول – *йатадāвалу* шаклидаги феъллар тўғри феъллар каби бўлади.

Ноқис феълларнинг мажҳул нисбати يرمى – *йурмā,* يرمان – *йурмāни,* يرمون – *йурмӯна,* ترمى – *турмā,* ترمان – *турмāни,* يرمين – *йурмайна,* ترمى – *турмā,* ترمان – *турмāни,* ترمون – *турмӯна,* ترمين – *турмайна,* ترمون – *турмӯна,* ترمين – *турмайна,* أرمى – ‘*урмā,* نرمى – *нурмā* каби бўлади.

Иллатли ҳарфи *вов*дан иборат барча уч ўзакли ноқис феъллар ҳамда يهدى – *йаҳдӣ,* يحلى – *йаҳли,* يجاهى – *йужāҳ ӣ ,* يرتضى – *йартаḍӣ ,* يتجرى – *йатажаррā,* يتعاطى – *йата‘āṭӣ,* يتقلسى – *йатақаллас ӣ ,* يقلسى – *йуқласӣ* қолипидаги феъллар ҳам юқоридаги каби тусланади”[2].

Маҳмуд Замахшарий феъл майллари ҳақида ҳам батафсил маълумот беради. Жумладан, олим нотўғри феълларнинг шарт майли ҳақида: “Иккиланган феълларнинг шарт майли қуйидагича لم يستحب – *лам йастаҳибба,* لم يستحب – *лам йастаҳибби,* لم يستحبب – *лам йастаҳбиб,* لم يعض – *лам йа‘уḍḍа,* لم يعض – *лам йа‘уḍḍи,* لم يعضض – *лам йа‘ḍиḍ.* Ушбу шаклдаги феъллар юқоридагидек тусланиб, охирги иккита бир хил ундошнинг иккиланиши содир бўлаверади. Масалан; يحمر – *йаҳмарру,* لم يحمر – лам *йаҳмарра,* لم يحمر – *лам йаҳмарри,* لم يحمرر – *лам йаҳмарир* ёки يقشعر – йақша*‘ирру,* لم يقشعر – *лам йақша‘ирра,* لم يقشعرر – *лам йақша‘рир* шаклида бўлади.

Агар иккиланган феълнинг ўрта ўзаги даммалик бўлса, у ҳолда шарт майли барча ҳаракатларда келиши мумкин. Масалан: شد – *шадда*, يشد – *йашудду,* لم يشد – *лам йашудда,* لم يشد – *лам йашудди,* لم يشد – *лам йашудду,* لم يشدد – *лам йашдуд.* Бундай феъллар فعل – *фа‘‘ала* ва تفعل – *тафа‘‘ала* бобларида тўғри феъллардек тусланади”[3].

Э. В. Яковенко ҳам Маҳмуд Замахшарий фикрларини қувватлаб, иккиланган феълларнинг шарт майли ҳақида шундай фикрларни ёзади ва фонетик ўзгаришларни кўрсатади[4].

Замахшарий тўғрига ўхшаш феълларнинг шарт майли ҳақида шундай ёзади: “Тўғрига ўхшаш феъллар: يثب – *йасӣбу,* يثبان – *йасӣбāни,* يثبون – *йасӣбӯна,* تثب – *тасӣбу,*

[1] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 367а.

[2] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 367б.

[3] Ўша манба. 369 б.

[4] Яковенко Э.В. Неправильные глаголы арабского языка. – М.: Вост. лит., 2000. С. 181.

تثبان – *тас̲ибāни,* يثبن – *йас̲ибна,* تثب – *тас̲ибу,* تثبان – *тас̲ибāни* تثبون – *тас̲ибӯна,* تثبين – *тас̲ибӣна,* تثبان – *тас̲ибāни,* تثبن – *тас̲ибна,* أثب – *‘ас̲ибу*, نثب – *нас̲ибу* кабидир. فعل – *фа‘ала* – يفعل – *йаф‘илу,* فعل – *фа‘ала* – يفعل *йаф‘алу* вазнидаги тўғрига ўхшаган барча феълларнинг و вов ҳарфи тушиб қолади. Шунингдек, аслида فعل – *фа‘ала* – يفعل – *йаф‘илу* вазнида бўлган, лекин истеъмолда فعل – *фа‘ала* – يفعل – *йаф‘алу* вазнида ишлатиладиган феълларда ҳам و вов ҳарфи туширилади. Масалан: وهب – *ваҳаба,* يهب – *йаҳабу,* وضع – *ваḍа‘а,* يضع –*йаḍа‘у,* ودع – *вада‘а,* يدع – *йада‘у,* وقع – *вақа‘а,* يقع – *йақа‘у.* Шу сингари аслида فعل – *фа‘ала* – يفعل – *йаф‘илу* вазнида бўлган, лекин истеъмолда فعل – *фа‘ила* – يفعل – *йаф‘алу* вазнида ишлатиладиган феълларда ҳам و вов туширилади. Масалан: وطئ – *ваṭа’а,* يطأ – *йаṭа’у,* وسع – *васа‘а,* يسع- *йаса‘у.*

Бундан бошқа ҳолларда يفعل – *йаф‘алу* вазнидаги феълларда و туширилмайди: يوحل – *йавҳала,* يوجع –*йавжа‘а,* يوجل – *йавжалу.*

Шунингдек, يوضؤ – *йавḍу’у,* يوقح – *йавқаҳу* феълларида ҳам вов туширилмайди. Демак, ўрта ўзаги *дамма* ёки асли *фатҳа* бўлган барча феълларда و *вов* туширилмайди. Бироқ, وله *валаҳа* феълини баъзилар توله المرأة*тувлиҳа ал-мар’ату* деб, баъзилар تله المرأة*талаҳа ал-мар’ату* деб айтишган. Булар икки хил тил бўлиб, توله المرأة *тувлиҳа ал-мар’ату* деб айтганлари бу феълни فعل – *фа‘ила,* يفعل – *йаф‘алу* вазнига солган, تله المرأة *талаҳа ал-мар’ату* деб айтганлари эса аслида бу يفعل – *йаф‘алу* вазнида бўлган деб, و вов ҳарфини тушириб, сўнг يفعل – *йуф‘алу* вазнига солган. يوعد – *йав‘аду,* يوجه – *йавжуҳу,* ييسر – *йайсару,* يتهب – *йатаҳаббу,* يتوكل – *йатаваккилу,* يستوجب – *йаставжибу* вазнларида тўғри феъллар сингари тусланаверади[1].

Араб тилидаги буйруқ майлининг изоҳига алоҳида боб ажратилган. Унда соф буйруқ майлининг ҳозирги-келаси замон феълидан ясалиши ҳақида маълумот берилган. Жумладан, تجارب – *тажāраба* – جارب – *жāриб,* تتقاعد – *татақа‾аду* – تقاعد – *тақа‾ад,* تتطلب – *татаṭаллабу* – تطلب – *таṭаллаб,* تدحرج – *тадаҳража* – دحرج – *даҳраж,* تضع – *таḍа‘у* – ضع – *ḍа‘,* تجرب – *тажарраба* – جرب – *жарраб* феъллари. 3-шахсларга бериладиган буйруқ шакллари ل *лом* билан ясалишига урғу берилади: ليقتل – *лийақтул,* ليقتل – *лийақтула,* ليقتلوا – *лийақтулу*. Мисол учун: ليضرب يا زيد! *Лийуḍриб йā Зайд* – “Урилгин эй Зайд!” لنضرب – *линуḍриб,* لا ضرب – *ли’уḍриб,* لتضرب – *литуḍриб,* لتضربا – *литуḍрибā,* لتضربوا – *литуḍрибу,* لتضربى – *литуḍриби* لتضربن – *литуḍрибā* – *литуḍрибна.*

Иккиланган феъллардан буйруқ майлининг ясалиши يفر – *йафирру* – فر – *фирра* – فر – *фирри* – افرر – *ифрир,* تضام – *таḍāмма,* تضام – *таḍāмми,* تضامم – *таḍāмам* мисолида, буйруқ майлидаги иккиланган феълларнинг шахс-сонда тусланиши فر – فروا – فرا – *фирра* – *фиррā* – *фиррӯ* мисолида, тўғрига ўхшаш феълларнинг буйруқ майли– عد – عدا – عدوا – *‘ид* – *‘идā* – *‘идӯ* мисолида, бўш феълларнинг буйруқ майли بع – *би‘,* بيعا – *бӣ ‘ā,* بيعوا – *бӣ‘ӯ,* بيعى – *бӣ‘ӣ,* بيعا – *бӣ‘ā,* بعن – *би‘на* шаклида; ноқис феълларнинг буйруқ майли ارمى – *ирми,* ارميا – *ирмийā,* ارموا – *ирмӯ,* ارمى – *ирмӣ,* ارميا – *ирмийā,* ارمين – *ирмӣна* кўринишида бўлади[2].

Таажжуб феъллари бобида уларнинг ما أفعل به шаклида ясалиши айтиб ўтилади. Масалан: ما *мā ‘аф‘ала, ‘аф‘ала биҳи*

[1] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 369б.

[2] Ўша манба. 372а б.

أضرب زيدا *mā ‘adraba Zaydan* – “Зайд қандай ҳам яхши ургувчидир”. Таажжуб феъллари фақатгина уч ўзакли феълларнинг биринчи бобидан ясалиши, уларнинг ранг ва жисмоний камчиликни билдирувчи феъллардан ясалмаслиги таъкидланади. Иккиланган ва иллатли феъллардан таажжубни ифодалаш усули шарҳланади ва қуйидаги мисол келтирилади: ما أشده – *mā ‘ashaddaҳu,* ما أعوده – *mā ‘a‘vadaҳu,* ما أقوله – *mā ‘aқvalaҳu,* أوعد به – *‘av‘id biҳi,* أشدد به – *ushdud biҳi,* ما أرماه – *mā ‘armāҳu,* أقول به – *‘aқvil biҳi,* أرم به – *‘armi biҳi.*

Феълларнинг тусланиши қисмида масдарга бағишланган боб ҳам мавжуд. Унда ҳаракат номи, бўш феъллардан масдар ясалишига тўхтаб ўтилади[1]. Масалан: اثابة – *ис̄ābatun,* اغاثة – *иғāс̱atun*.

Аниқ ва мажҳул даража сифатдошларига таъриф берилиб, уларнинг ясалишига доир қоидалар ва турли ҳолатларга оид мисоллар келтирилади. Жумладан: ضارب – *ḍāribun* “ураётган” ёки شاد – *shāddun* бунинг асли شادد *shādidun* бўлган. قائل – *qā’ilun,* بائع – *bā’i‘un* уларнинг асли بايع – *bāyi‘u,* قاول – *qāvilu* бўлган, غاز – *ғāzin,* رام – *rāmin* уларнинг асли رامى – *rāmiyun,* غازى – *ғāziyun*. مبيع – *маб ӣ ‘un,* موعود – *мав‘idun,* مشدود – *машдӯdun,* مضروب – *маḍрӯbun.*

Ҳосила боблар ва тўрт ўзакли феъллардан аниқ ва мажҳул даража сифатдошларининг ясалишига оид маълумотлар ҳам шу бобда келтирилган[2]. Бу қисмда орттирма ва қиёсий даража сифатлари ҳам изоҳланиб, қуйидаги мисоллар берилган:

زيد ضارب و عمر و أضرب منه – *Зайдун ḍāribun ва ‘amru ‘aḍrabu minҳu*

زيد كريم و عمر و أكرم منه – *Зайдун карӣ мун ва ‘amru ‘акramu minҳu*

Феълларнинг тусланишига бағишланган қисм المفعل *ал-маф‘алу* вазни изоҳи билан якунланган. Бу вазн ҳаракат номи (масдар) ҳамда бажарилган иш-ҳаракатнинг вақти ва ўрнини билдириш учун ишлатилади. Масалан: مقتل الحسين – *мақталу-л-ҳусайни*. Ушбу ибора қуйидаги учта маънони англатади: “Ҳусайннинг ўлдирилиши”, “Ҳусайннинг ўлдирилиш вақти”, “Ҳусайннинг ўлдирилиш жойи”.

Хулоса. Маҳмуд Замахшарийнинг луғатшуносликда киритган бу янгилигининг мақсади шундан иборат эдики, аввал араб тил системасини ўрганиб чиқиб, ундаги сўз туркумларини тасниф қилиш ва ҳар бир сўз туркумининг грамматик категорияларини таҳлил қилиб, нафақат бу сўзларнинг таркиби ва маъносини баён қилиш, балки уларнинг нутқ жараёнида қандай шаклларда қўлланиши ва унинг морфологик ва синтактик муносабатларини шарҳлаб беришни кўзда тутган эди.

У ўзининг асарида сўз туркумлари ва уларга кирадиган лексик бирликларни ҳар бир сўз туркуми доирасида батафсил ёритиб берган. Замахшарий қўллаган бу усул асарнинг салмоғини ниҳоятда оширган. Чунки, кейинги асрларда барча араб ва араб бўлмаган мактаб, мадрасаларда бу асар араб тили луғати ва грамматикаси бўйича энг ноёб қўлланма сифатида фойдаланилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг маҳаллий халқлар орасидаги шуҳрати боис мазкур асар котиблар томонидан кўплаб нусхаларда кўчирилган. Жумладан, дунё фондларида луғат қисмларининг ҳозирча аниқланган XIII-XV асрларга оид 72 қўлёзмаси, грамматик қисмларининг мингга яқин қўлёзмаси мавжуд. Мазкур қўлёзмалар асарнинг аҳамиятини кўрсатувчи асосий далил ҳисобланади.

[1] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. Б. 372а-б.

[2] Ўша манба. – Б. 373а-375а.